

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 11

Бухоро шаҳри

“19” 01 2022 йил

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиали Бухоро шаҳар почта алоқа боғламаси (кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади) номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи бошлиқ Ж.Эгамов бир томондан ва Бўши турган об. самар. фой. (кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади) номидан Мизон асосида фаолият юритувчи бошлиғи А. Асатов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш.
- 1.2. Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|-----------------------|---------------|------------|-------------|---------------|
| 1 | <u>Конверт</u> | Дона | <u>100</u> | <u>350</u> | <u>35000</u> |
| 2 | <u>Маржа</u> | Дона | <u>100</u> | <u>3800</u> | <u>380000</u> |
| 3 | | Дона | | | |
| 4 | | Дона | | | |
| 5 | | Дона | | | |
| 6 | | Дона | | | |
| 7 | | Дона | | | |
| 8 | Жами: | | | | <u>415000</u> |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: _____ сўм

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартнома пул миқдори _____ сўми ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов умумий пул миқдорининг 30 фоизини ташкил қилади, якуний тулов 70 фоизи ой охирига қадар амалга оширилади. (Бюджет ташкилотлар).
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз (пул кўчириш йўли билан) амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб берилиши лозим.
 - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бут ҳолда қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта иноватга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил "19" 01 дан 2022 йил "31" 12 гача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
 - Форс-Мажор ҳолатларида;

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади (жавобгар тараф худудидаги иқтисодий суди ҳал қилди).

8. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

"СОТУВЧИ"

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиали
Бухоро почта алоқа тармоғи 200100.
И.Муминов кучаси 8-уй
х/р20210000600155266060
"Ипотека-банк" Бухоро вилоят филиали
MFO-00088. STIR-200833833.XXTUT 52100
Тел: 223-34-68.



Бошлик Ж.Эгамов

"СОТИБ ОЛУВЧИ"

Бундан тўғридан об'ектлардан самарали
Фей-ини таъмин
Этими маркази
Бухоро вилоят
Аудудий темирчаси
23402 000300 100001010
ШХВ 4010 218 600640170
41140021002

М.Э.
И.И.



Директор А.Намов